

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

13-сон
(1033)
2022 йил
апрель

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

126. «Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ–760-сон Қонуни
127. «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ–761-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

128. «Навоий давлат кончилиқ ва технологиялар университетини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 мартдаги ПҚ–186-сон қарори
129. «Самарқанд давлат тиббиёт университетини ташкил этиш ва соҳада

кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 апрелдаги ПҚ-188-сон қарори

Бешинчи бўлим

130. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 4 мартдаги 12/02-22-00437-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудда авто ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2904-3*)
131. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 25 мартдаги 7-сон «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3355*)
132. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2022 йил 10 мартдаги 38-сон «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан ўтказиладиган бино ва иншоотларнинг инструментал техник текширув ишларини баҳолашнинг ягона ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3356*)
133. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 12 мартдаги 3 ва 5-сон «Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3357*)
134. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 31 мартдаги 7-мқ-сон «Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3358*)
135. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 31 мартдаги 8-мқ-сон «Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқни ўтказиш тўғрисидаги шартномани ва улардан фойдаланиш учун лицензия шарт-

номаларини, интеграл микросхемалар топологияларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш ва мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3359*)

136. Ўзбекистон Республикаси тиббий-ижтимоӣ хизматларни ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 31 мартдаги 52-ИЧ-сон «Ўзбекистон Республикаси тиббий-ижтимоӣ хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги тиббий-ижтимоӣ муассасаларда пуллик хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3360*)
137. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 29 март, 9-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (13-сонли БҲС) «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3361*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

126 Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 28 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги 154–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–582-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 790-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) **38-моддасидаги** «шунингдек Марказий банк тасарруфидаги ташкилотларнинг» деган сўзлар «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг, шунингдек Марказий банк тасарруфидаги ташкилотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 30 мартда эълон қилинган.

365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда; № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда) **70-моддасининг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Унитар корхона раҳбари, шунингдек агар бу корхонанинг уставида назарда тутилган бўлса, кузатув кенгаши унинг бошқарув органидир. Унитар корхонанинг раҳбари ва кузатув кенгаши мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланади ҳамда уларга ҳисоб беради».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ–370-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **13-модданинг:**

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **22-модда** чиқариб ташлансин;

3) **42-модданинг:**

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи — **тўққизинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** — **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **44-модданинг:**

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи, бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) **60-модданинг:**

тўққизинчи қисми чиқариб ташлансин;

ўнинчи қисми тўққизинчи қисм деб ҳисоблансин;

6) **62-модда:**

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи, тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби»;

учинчи қисмидаги «ва давлат вакилига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисмидаги «ва давлат вакилига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **64-модда биринчи қисмининг:**

бешинчи хатбошисидаги «ва давлат вакилига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошисидаги «ва давлат вакилига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **67-модда:**

номидаги «ва давлат вакилининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисмининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

9) **76-модданинг:**

биринчи қисмидаги «бир йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи қисми чиқариб ташлансин;

10) **78-модданинг:**

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

олтинчи — ўн биринчи қисмлари тегишинча **бешинчи — ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

11) **79-модданинг саккизинчи қисмидаги** «бир йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **89-модданинг бешинчи қисмидаги** «ўн» деган сўз «беш» деган сўз билан алмаштирилсин;

13) **107-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жамият уставида жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) назарда тутилиши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тафтиш комиссияси (тафтишчи) акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади»;

иккинчи — тўққизинчи қисмлари тегишинча **учинчи — ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида**»ги 310–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **39-модда:**

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият ижроия органининг ваколатлари шартномага кўра тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин. Тузиладиган шартноманинг шартлари жамият кузатув кенгаши томонидан, кузатув кенгаши мавжуд бўлмаганда эса, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади»;

2) **45-модда:**

биринчи қисмининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми «жамият кузатув кенгашининг аъзолари билан» деган сўзлардан кейин «ишончли бошқарувчи билан» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги ЎРҚ–163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ–387-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 10, 968, 973-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) **33-модданинг биринчи қисми** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» деган сўзлардан кейин «ва (ёки) Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **39-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозлардаги ҳисоб-китобларни ва қимматли қоғозларнинг уюшган савдосида қимматли қоғозларга доир битимлар натижалари бўйича пул маблағларидаги ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда амалга ошириш».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган «**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–677-сонли Қонуни

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 146-модда) **36-моддасининг биринчи қисмидаги** «10 фоиз» деган сўзлар «беш фоиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 29 март,
ЎРҚ-760-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

127 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган кўшимчалар киритиш тўғрисида*

Конунчилик палатаси томонидан
2022 йил 18 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда) қуйидаги кўшимчалар киритилсин:

1) **991-модданинг биринчи қисми** «қонунга хилоф тарзда бериш» деган сўзлардан кейин «шунингдек ҳар қандай қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **1021-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** «ушлаб туриш» деган сўзлардан кейин «шунингдек ҳар қандай қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

* Ушбу Қонун «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 30 мартда эълон қилинган.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 29 март,
ЎРҚ-761-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

128 Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ташкил этиш тўғрисида*

Навоий вилоятида юқори малакали, чуқур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўша оладиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш мақсадида:

1. Навоий давлат кончилик институти Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети (кейинги ўринларда — Университет) этиб қайта ташкил этилсин.

2. Университет фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

саноат, техника-технология, муҳандислик соҳалари учун олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, таълим жараёнига илғор педагогик ва масофавий таълим технологияларини, илм-фан ва техниканинг янги ютуқларини жорий этиш;

замонавий ўқув ва илмий лаборатория базасини шакллантириш, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши учун янги ишланмаларни яратиш, талабаларга таълим жараёнида илмий фаолият билан шуғулланиш учун шарт-шароит яратиш;

саноат ташкилотларининг муаммоларини ечишга қаратилган илмий, амалий ва инновацион тадқиқотларни ривожлантириш, тадқиқот натижалари ва илғор технологияларни амалиётга жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

таълим ва илмий изланишлар жараёнига малакали мутахассисларни жалб этиш, республика ва етакчи хорижий олий таълим муассасалари, илмий марказлар ва ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 1 апрелда эълон қилинган.

ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларини жорий этиш, талабалар назарий билимларининг ишлаб чиқариш амалиёти билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича мақсадли ҳамкорликни йўлга қўйиш;

талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат хиссини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш;

ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;

илмий-педагогик салоҳиятни ошириб бориш, жумладан профессор-ўқитувчилар стажировкаси ва малака оширишини нуфузли республика ва хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот марказларида ташкил этиш.

3. Университет ҳузурида қуйидагилар ташкил этилсин:

а) Навоий давлат кончилик институтининг Нукус филиали негизида — Нукус кончилик институти;

б) «Навоий» илмий-технология саноат парки;

в) 2022/2023 ўқув йилида:

Навоий давлат педагогика институти ҳузуридаги Кармана хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми негизида — Кармана политехника техникуми;

«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси тизимидаги Нурота саноат-кончилик коллежи негизида — Ҳозғон политехника техникуми.

Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги Учқудуқ саноат техникуми ва Зарафшон саноат техникуми Университет ҳузурига ўтказилсин.

4. Университет фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бошқарув кенгаши (кейинги ўринларда — Бошқарув кенгаши) ташкил этилсин ва унинг таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бошқарув кенгашига (Қ.С. Санақулов):

а) қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Университетнинг яқин, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган ривожлантириш дастурини, молиявий йил учун мўлжалланган бизнес-режасини, даромад ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш;

Университетда таълим жараёнининг амалиёт билан уйғунлигини, хусусан талабаларнинг ўқув жараёнида олган назарий билимлари ишлаб чиқариш амалиёти билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

Фанлар академияси илмий муассасалари ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий мактабларни ривожлантириш;

Университетнинг таълим ва тадқиқот жараёнларига малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш, шунингдек, етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали алоқалар ўрнатиш;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Университетнинг илмий-тадқиқот ва ишланмалар трансфери жараёнларини ривожлантириш ҳамда илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмалар бўйича буюртмачилар билан манфаатли ҳамкорлигини ўрнатиш;

таълим ва тадқиқот жараёнларига инвестицияларни жалб этиш, илмий маҳсулотларни тижоратлаштириш, стартаплар ва акселератор фаолиятларини йўлга қўйиш;

б) қуйидаги ваколатлар берилсин:

таълим ва илмий-тадқиқот жараёнларига жалб этилган хорижий мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилаш;

иш берувчилар талабларини инобатга олган ҳолда, ўқув режаларидаги назарий таълим улушини қисқартириш ҳисобига амалий машғулотлар ҳажмини ошириш, ҳафтада бир кунлик амалиёт тажрибасини қўллаш;

Университет ректори ва проректорларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича тақдимнома киритиш;

Университет ва унинг тасарруфидаги таълим ташкилотлари тузилмаларини тасдиқлаш;

Университетнинг ташкилий тузилмасига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган янги лавозим ва таркибий бўлинмалар ҳамда қўшимча штат бирликларини жорий этиш.

5. Белгилансинки:

Университет давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади;

Университет ва унинг ҳузуридаги Нукус кончилик институтига талабаларни қабул қилиш параметрлари ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси доирасида аниқланади;

Навоий давлат кончилик институти ва унинг Нукус филиали талабалари ўқишини тегишлилиги бўйича Университет ва унинг ҳузуридаги Нукус кончилик институтида давом эттиради;

Университет ҳузуридаги техникумларда саноат, кончилик, металлургия, машинасозлик, қурилиш, энергетика, электротехника, хизмат кўрсатиш каби йўналишларда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади;

Кармана хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми ҳамда Нурота саноат-кончилик коллежида таълим олаётган ўқувчилар ўқишни битиргунларига қадар мазкур таълим муассасаларида амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқишини давом эттиради;

Университет, унинг ҳузуридаги Нукус кончилик институти, Кармана ва Ҳозғон политехника техникумлари тегишлича Навоий давлат кончилик институти, унинг Нукус филиали, Кармана хизмат кўрсатиш ва сервис техникуми ҳамда Нурота саноат-кончилик коллежининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

6. Қуйидагилар:

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети фаолиятини

йўлга қўйиш ва уни 2026 йилга қадар комплекс ривожлантириш дастури 2-иловага* мувофиқ;

Навой давлат кончилиги ва технологиялар университетини 2026 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ;

Навой давлат кончилиги ва технологиялар университетини ташкил этиладиган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

Навой давлат кончилиги ва технологиялар университетининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини амалиёт ўташ объектлари бўйича илмий-тадқиқот муассасалари, тармоқ корхоналари ва ташкилотларга бириктириш жадвали 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Университетга қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг амалдаги рейтингда олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 таликка кирган хорижий олий таълим муассасасининг дастури асосида ўз таълим дастурларини шакллантириш;

Университет фаолияти йўналишлари бўйича маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматларни шартнома асосида кўрсатиш, шунингдек, тақдим этиладиган хизматларни самарали амалга ошириш учун илмий-тадқиқот ва инновацион хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш;

таълим ва илмий-тадқиқот жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда уларга Бошқарув кенгаши томонидан белгиланган миқдорда Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош ва бошқа тўловларни тўлаш;

профессор-ўқитувчиларни ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишлари ва «устоз-шогирд» тизими бўйича бажарган ишларининг натижаси бўйича рағбатлантириб бориш.

8. Белгилансинки, Университет фаолияти Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, грантлар ва ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

9. «Навой кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Навой кон-металлургия комбинати жамғармаси» давлат муассасасининг:

Университетда таълим жараёнининг ишлаб чиқариш билан узвийлигини таъминлаш ҳамда Университет ҳузуридаги «Навой» илмий-технология саноат паркни жойлаштириш мақсадида «Навой машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси автотаъмирлаш цехи 2-корпус биносини жиҳозлари билан биргаликда Университетга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш;

ўз маблағлари ҳисобидан Университет ва унинг ҳузуридаги Нукус кончилиги институтининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш, профессор-ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, ўқув ва илмий-тадқиқот фаолиятини ривож-

* 2 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лантириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Навоий вилояти ҳокимлиги «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ, «Навоийазот» АЖ, «Навоий иссиқлик электр станцияси» АЖ, «Навоий-уран» ДК ва ҳудуддаги бошқа саноат корхоналари билан биргаликда:

Университетнинг бакалавриат босқичи юқори курс талабаларини ва магистрантларини иш ҳақи тўланадиган тизим орқали банд қилиш, жумладан уларга амалиёт ўташ даврида ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш;

Университет профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларига ишлаб чиқариш корхоналарида стажировка ўташ ва илмий тадқиқотлар олиб бориш учун шароит яратиш чораларини кўрсин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) 2022/2023 ўқув йилига қадар:

Университетни танлов асосида ишлаб чиқариш ташкилотлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида катта илмий ва (ёки) амалий тажриба орттирган мутахассислар, устувор равишда, илмий даражага эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш чорасини кўрсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Фанлар академияси билан биргаликда Университетнинг ихтисослашган факультет ва кафедраларини мос йўналишлари бўйича давлат улушига эга йирик хўжалик юритувчи субъектлар ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқласин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Университетни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ҳамда зарур телекоммуникация жиҳозлари билан таъминлаш чораларини кўрсин;

б) Инновацион ривожланиш вазирлиги, «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ, «Навоийазот» АЖ, «Навоийуран» ДК билан биргаликда:

2022/2023 ўқув йилига қадар Университет ҳузуридаги «Навоий» илмий-технология саноат паркни замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозласин ва унинг фаолиятини йўлга қўйсин;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Университет ҳузуридаги «Навоий» илмий-технология саноат паркида етакчи чет эл тадқиқот марказлари ва малакали хорижий олимлар иштирокида илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишни йўлга қўйсин;

в) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Университетнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб етакчи олий таълим муассасаларида тегишли магистратура мутахассисликлари ва 2023 йилдан бошлаб таянч докторантурада кадрларни мақсадли тайёрлаш чораларини кўрсин;

г) Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Университетда 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан биргаликда техника йўналиши бўйича қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин;

д) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Университет фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтлари, донорлар ва бошқа хорижий ташкилотларнинг маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

е) ҳар йилги инвестиция дастурига киритиш учун Университет ва унинг хузуридаги Нукус кончилик институти бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини соҳага ажратилган лимитлар доирасида амалга ошириш юзасидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига таклифлар тақдим этиб борсин.

12. Навоий вилояти ҳокимлиги Университетга ўз фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур ер майдонларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

13. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Нукус темир йўл транспорти коллежи биносини Университет хузуридаги Нукус кончилик институтига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш ҳамда уни мазкур коллеж бино ва иншоотларига бепул жойлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

14. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов, «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ бошқарув раиси — бош директори Қ.С. Санақулов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 31 март,
ПҚ-186-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**129 Самарқанд давлат тиббиёт университетини ташкил этиш ва соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган стратегик вазифаларга мувофиқ Самарқанд давлат тиббиёт институтида юкори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг институционал, ўқув-педагогик салоҳиятини кучайтириш, ўқув жараёнини халқаро стандартларга мос равишда ташкил этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, реабилитология ва спорт тиббиёти соҳасида долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқотларни тизимли олиб бориш, шунингдек, ҳудуд аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида:

1. Самарқанд давлат тиббиёт институтининг кузатув кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Самарқанд давлат тиббиёт институтини Самарқанд давлат тиббиёт университети (кейинги ўринларда — Университет) этиб қайта ташкил этиш;

б) Университет таркибида қуйидагиларни ташкил этиш:

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Ўрташиқ қишлоғида жойлашган Самарқанд вилояти саломатликни тиклаш шифохонаси негизида Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтини;

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг биринчи ва иккинчи клиникалари негизида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси ва Самарқанд давлат тиббиёт университети ихтисослашган болалар хирургик клиникасини (кейинги ўринларда — Университет клиникалари);

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Л.М. Исаев номидаги филиали ва унинг клиникаси негизида Университет ҳузуридаги Л.М. Исаев номидаги Микробиология, вирусология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти ва унинг клиникасини;

Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий марказини;

Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий марказини.

2. Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 2 апрелда эълон қилинган.

узлуксиз тиббий-касбий таълим тизимида юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, клиника ва ўқув базалари фаолиятида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш;

фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш, тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик доирасида талабалар, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчилар академик мобиллиги дастурлари ҳамда қўшма таълим дастурларини жорий этиш ва ривожлантириш;

Университет илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчиларнинг нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этишларини таъминлаш;

республика ва хорижий олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда тиббиёт соҳасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш бўйича халқаро илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва симпозиумлар ташкил этиш;

Университет моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

Самарқанд вилояти ҳамда қўшни ҳудудлар соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжларини ва муаммоларини мунтазам ўрганиб бориш, уларни ваколати доирасида бартараф этиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизими ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида узвий ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўйиш.

3. Белгилансинки:

а) Университет Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

б) Самарқанд давлат тиббиёт институтида таҳсил олаётган талабалар Университетда мос бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида ўқишини давом эттиради ҳамда битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда давлат намунасидаги Университет дипломи берилади;

в) Университет клиникалари, академик лицейи, Л.М. Исаев номидаги Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти, Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази, Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий маркази ҳамда Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтининг (кейинги ўринларда — Университет таркибий ту-

зилмалари) муассиси Университет ҳисобланади ва уларнинг фаолияти Университет томонидан мувофиқлаштирилади;

г) Университет таркибий тузилмалари давлат муассасалари ҳисобланади ва шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

д) Университетнинг таркибий тузилмалари раҳбарлари Университет Кенгашининг тақдимномасига кўра соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

е) Самарқанд вилояти Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежлари (кейинги ўринларда — техникумлар ва коллежлар) Университетга бириктирилади.

Бунда, Университет:

техникумлар ва коллежлардаги таълим ва амалиёт сифати учун бевосита масъул бўлиб, уларда зарур моддий-техника, ўқув-методик базани яратади ва ўқув жараёнига тажрибали мутахассисларни жалб этиб боради;

техникумлар ва коллежларда фаолият юритувчи ўқитувчиларга илмий-методик жиҳатдан кўмаклашади;

клиникалари техникумлар ва коллежлар учун клиник база бўлиб хизмат қилади;

кафедралари ўз йўналишида техникумлар ва коллежларга замонавий ўқитиш методикаси ва технологияларини ўргатади, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг билимини баҳолаб боради.

4. Қуйидагилар:

2022 — 2025 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университетини комплекс ривожлантириш дастури 1-иловага* мувофиқ;

Самарқанд давлат тиббиёт университетини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) 2-иловага* мувофиқ;

Самарқанд давлат тиббиёт университети кафедраларини Самарқанд вилояти туман (шаҳар)ларига бириктириш рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Университетга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Соғлиқни сақлаш вазирилиги билан келишилган ҳолда, академик лицейнинг ўқув-методик жараёнини мувофиқлаштириш, унинг тузилмасини, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, қабул параметрлари ва таълим йўналишларини белгилаш;

Университетда бакалавриятнинг битирувчи босқич талабалари учун соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўгин муассасалари (кўп тармоқли марказий поликлиникалар, оилавий поликлиникалар, оилавий шифокор пунктлари) ҳамда клиник базаларда 6 ойлик малакавий амалиёт кўринишидаги субординатурани жорий этиш;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Университет профессор-ўқитувчиларининг халқаро илмий-техник маълумотлар базалари (Scopus, Web of Science ва бошқалар) томонидан эътироф этилган юқори рейтингли журналларда илмий мақолалар чоп этиш сарф-харажатларини қоплаш.

* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча харажатлар Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Университет клиникаларига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Университет ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда клиникаларнинг умумий ўринлар сони ҳамда амалдаги штат бирликлари доирасида штатлар жадвалини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

пуллик хизматлар кўрсатиш бўлинмаларини ташкил этиш;

пуллик малака ошириш цикллари ва замонавий технологияларни ўзлаштириш бўйича маҳорат дарсларини ташкил этиш;

тиббий хизматларни кўрсатишдан тушган даромадлар доирасида ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш микдорларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига қараб мустақил равишда белгилаш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Университетнинг ихтисослашган болалар хирургик клиникаси 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ-5199-сон қарорида белгиланган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг фаолиятини юритиш тартиби ва молиялаштириш механизми асосида фаолият юритади;

Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали янги бинога кўчирилиши муносабати билан ушбу филиалнинг бўшайдиган Самарқанд шаҳар, Махдуми Аъзам кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган биноси Университетга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилади ҳамда мазкур бинода Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази, шунингдек, Иммунология, алергология ва инсон геномикаси илмий маркази текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А. Мусаев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров) ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.О. Турдимов) билан биргаликда 2024-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида:

Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ҳамда Иммунология, алергология ва инсон геномикаси илмий маркази жойлаштириладиган Самарқанд шаҳри, Махдуми Аъзам кўчаси, 18-уй манзилидаги бинони капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун;

Университетнинг ихтисослашган болалар хирургик клиникаси ҳудудида ихтисослаштирилган эндоскопик консультатив-диагностик ва даволаш бўлимини ташкил этиш, тегишли бино ва иншоотларни қуриш ҳамда замонавий эндоскопик диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

9. Қуйидагилар:

а) Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Университет клиникалари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Университет клиникаларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

в) Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти, Л.М. Исаев номидаги Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

мазкур институтларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

г) Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ҳамда Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

мазкур ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.О. Турдимов) Университет ҳамда Университет таркибий тузилмаларининг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари иштирокида ҳудуд аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини юртиш бўйича бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида (оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника, кўп тармоқли марказий поликлиника) ҳамда барча қишлоқ ва маҳаллаларда жойига чиққан ҳолда хизмат кўрсатилишини таъминласин. Бунда, қуйидагиларга эътибор қаратсин:

аҳолининг саломатлик ҳолатини, касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларининг тарқалганлик даражасини ўрганган ҳолда аҳолини хавф гуруҳларига таснифлаш;

хавф гуруҳларига кўра уларга индивидуал маслаҳат бериш, кўрик ва назоратни амалга ошириш, соғломлаштириш ва реабилитациянинг индивидуал чораларини белгилаш;

аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва ўлимнинг асосий сабабчиси бўлган касалликларни эрта аниқлаш чораларини кўриш, мақсадли скрининг тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг саломатлик ҳолати, касалликни келтириб чиқарувчи хавф омилларининг тарқалганлик ҳолати ва касалланиш даражасидан келиб чиқиб, махсус электрон дастур асосида «Саломатлик профили»ни яратиш;

қишлоқ ва маҳаллаларда «Саломатлик мактаби» фаолиятини йўлга қўйиш, нафақадаги ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари, зиёлилар ҳамда ёшлардан иборат волонтерлик жамиятларини тузиш;

кўп тармоқли марказий поликлиникада «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» хоналарини ташкил қилиш, махсус тайёргарликдан ўтган шифокор ва ҳамширалар томонидан аҳоли орасида тарғибот тадбирларини амалга ошириш, шунингдек индивидуал маслаҳат бериш тизимини жорий қилиш;

барча бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида шифокор олди кўриклари орқали ўрта тиббиёт ходимлари томонидан энг кўп учрайдиган касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлаш, аҳолини антропометрик ўлчовлардан ўтказиш, 5 ёшгача болаларнинг ўсиши ва ривожланиши мониторингини олиб бориш каби вазифаларнинг мустақил ба-жарилишини таъминлаш;

юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи асослари бўйича тиббиёт бригадаси вакилларининг амалий ва назарий билимларини ошириш;

аҳоли орасида тўғри овқатланиш асослари, касалликлар профилактикаси, жисмоний фаоллик, шахсий ва жамоат гигиенаси, кун тартибини тўғри ташкиллаштириш ва зарарли одатлардан воз кечиш бўйича тарғиботнинг замонавий услубларини (акция, спорт мусобақалари, танлов, флешмоб) амалиётга жорий қилиш ва оммалаштириш чораларини кўриш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов) 2022 йил 1 декабрга қадар Самарқанд вилояти тажрибасининг натижаларидан келиб чиқиб, уни бошқа тиббиёт олий таълим муассасаларида ҳам татбиқ қилиш бўйича таклиф киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ушбу қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев, Самарқанд вилояти ҳоқими Э.О. Турдимов, соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 1 апрель,
ПҚ–188-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

130 **Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида авто ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2904-3

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5582-сон «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 18 июлдаги 01-02/12-24-сон қарори (рўйхат рақами 2904, 2017 йил 27 июль), (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 755-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида авто ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис

А. МАВЛОНОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 4 март,
12/02-22-00437-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил
4 мартдаги 12/02-22-00437-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида авто ва темир
йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги
товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона
пломбалари қўйиш қоидаларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 4-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«экспорт» божхона режимида божхона юк декларацияси «яшил» ва «сарик» йўлаклар орқали расмийлаштирилган ҳолларда, бундан мазкур Қоидаларнинг 5-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлар мустасно;»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. 5-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Экспорт» божхона режимида божхона юк декларацияси «яшил» ва «сарик» йўлаклар орқали божхона расмийлаштирувидан ўтказилиб, товарлар Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини расмийлаштирилган ҳолда олиб чиқиладиганда, шунингдек юк жўнатувчилар ва (ёки) ташувчиларнинг талабига кўра махсус божхона пломбалари чегара божхона постларида транспорт воситаларининг юк бўлимларига ўрнатилади.».

3. 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Махсус божхона пломбаси тўғрисидаги маълумот товар ва транспорт воситаларига расмийлаштирилган транзит декларациясида ёки Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасида, шунингдек олиб чиқиладиган товарлар ортилган транспорт воситалари учун божхона юк декларациясида қайд этилади.».

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

*Савдо-саноат палатаси раиси
биринчи ўринбосари*

И. ДЖАСИМОВ

2022 йил 25 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

131 Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3355*

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 25 март,
7-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил
24 мартдаги 7-сон буйруғига
ИЛОВА

**Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга
тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига (бундан буён матнда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар деб юритилади) давлат соғлиқни сақлаш муассасалари (бундан буён матнда даволаш муассасаси деб юритилади) томонидан малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғриси-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 мартда эълон қилинган.

да»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги қонунларига асосан Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқдан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг равишда фойдаланади.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

чет эл фуқароси — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс;

фуқаролиги бўлмаган шахс — Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс;

шошилинч тиббий ёрдам — касалликларга чалинганда, бахтсиз ходисалар юз берганда, жароҳат олганда, захарланганда ва тез тиббий арашув ҳар қандай шароитда кўрсатилишини талаб қиладиган бошқа ҳолатларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури. Шошилинч тиббий ёрдам кечиктириб бўлмайдиган ва тез тиббий ёрдамни ўз ичига олади;

кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам — бемор ҳаётига хавф соладиган аниқ белгилари бўлмаган тўсатдан кучли касалликларда, ҳолатларда ва сурункали касалликлар кучайганда кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури;

тез тиббий ёрдам — бемор ҳаётига хавф соладиган тўсатдан кучли касалликларда, ҳолатларда ва сурункали касалликлар кучайганда шошилинч кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури;

режали тиббий ёрдам — профилактика тадбирлари ўтказишда, бемор ҳаётига хавф солмайдиган, шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам талаб қилмайдиган касалликлар ва ҳолатларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури. Бундай ёрдамнинг муайян вақт кеч кўрсатилиши бемор ҳаётининг ёмонлашишига, ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолишига сабаб бўлмайди.

2. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кафолатланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Низомда назарда тутилганидан бошқача тартиби белгиланган бўлса, халқаро шартномалар қоидалари қўлланилади.

2-боб. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3. Тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бепул шошилиш, кечиктириб бўлмайдиган ва тез тиббий ёрдам олиш;
пулли асосда режали тиббий ёрдам олиш;
шифокорни ва даволаш муассасасини танлаш;
санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда текширув-
дан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;
мавжуд усуллар ва дори воситалари ёрдамида тиббий ёрдам олиш;
тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлигининг ҳолати, қўйил-
ган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш
чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланишини талаб қилиш;
тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш;
ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусида ҳамда соғлигининг ҳолати ҳақида
маълумот олиш, шунингдек соғлигининг ҳолатига доир маълумотларни унинг
манфаатини кўзлаган ҳолда тақдим этиш мумкин бўлган шахсларни танлаш;
ихтиёрий тиббий суғурта доирасида тиббий хизматлардан фойдаланиш;
тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида соғлиғига зарар етказилган тақдирда
кўрилган зарарнинг ўрнини қонунда белгиланган тартибда қопланишини
талаб қилиш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши учун ҳузури-
га адвокат ёки бошқа қонуний вакил чақиртириш;

тиббий текширув натижалари, касалликнинг мавжудлиги ва унинг таш-
хиси, тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари, улар билан боғлиқ хавф, тиббий
аралашувнинг мумкин бўлган турлари ва уларнинг оқибатлари ҳақида маъ-
лумот олиш;

тиббий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бевосита
ёки қонуний вакили орқали даволаш муассасасининг раҳбари ёки бошқа
мансабдор шахсига нисбатан юқори бошқарув органига ёки судга шикоят
қилиш.

4. Тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган чет эл фуқаролари ва фуқа-
ролиги бўлмаган шахслар қуйидагиларга мажбур:

тиббийёт ходимларига ўзларида жамоат саломатлиги учун хавф туғди-
радиган касалликлар, одамнинг иммунитет танқислиги вирус мавжудлиги
тўғрисида хабар бериш, шунингдек бошқа одамлар билан алоқада бўлган-
да эҳтиёт чораларини кўриш;

тиббийёт ходимларини уларда олдин аниқланган дори воситаларини қабул
қилишга аллергик реакциялар ва бошқа ножўя таъсирлар мавжудлиги
ҳақида хабардор қилиш;

даволовчи шифокор томонидан белгиланган даволаш тадбирларига риоя
қилиш.

3-боб. Бепул ва пулли асосда тиббий ёрдам кўрсатиш

5. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга шошилиш
тиббий ёрдам, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам ва тез тиббий ёрдам
бепул кўрсатилади.

6. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга режали тиб-

бий ёрдам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда даволаш муассасаси томонидан тасдиқланадиган тарифлар асосида амалга оширилади.

7. Тиббий хизматларга ҳақ тўлаш чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

4-боб. Тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби

8. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс шифокор кўригидан ўтиш учун даволаш муассасасининг маслаҳат поликлиникасига мурожаат қилади.

Бунда, агар зарурат бўлса, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан ёхуд унинг хоҳишига кўра даволаш муассасаси томонидан таржимон жалб этилиши мумкин.

Таржимоннинг хизматига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобидан қопланади.

9. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс даволаш муассасасига тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганда, даволаш муассасаси томонидан унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари (чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи ID-картаси, миллий паспорти ёки чет давлат фуқаролигига мансублигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар), шунингдек ихтиёрий тиббий суғурта полиси маълумотлари (мавжуд бўлса) кўздан кечирилади ҳамда улар ҳақидаги маълумотлар тиббий ҳужжатларда (амбулатор карта, касаллик тарихи ва ундан кўчирма) ёзма ёки электрон шаклда қайд этилади.

10. Тиббий ёрдам кўрсатишдан олдин чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсдан, шунингдек агар чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ўн тўрт ёшга тўлмаган ёхуд муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, унинг қонуний вакилидан тиббий аралашувга ёзма равишда розилик олинади.

11. Тиббий аралашувга розилик чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ёхуд унинг қонуний вакилининг (чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ўн тўрт ёшга тўлмаган ёхуд муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса) имзоси, шунингдек беморнинг ихтиёрий розилигини олган шифокор имзоси билан тасдиқланади.

12. Тиббий ёрдам кўрсатишда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс тиббий ёрдам кўрсатилишидан бош тортган тақдирда, бу ҳақда касаллик тарихида қайд этилади.

Бунда, шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлган ҳолларда тиббиёт ходими томонидан унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур.

13. Наркологик касалликларга (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) чалинган ёки руҳий ҳолати бузилган шахсларни мажбурий даволаш Ўзбекистон Республикасининг «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги ҳамда «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида (оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари) юқумли касалликларга қарши ихтиёрий равишда бепул профилактик эмланиши мумкин.

15. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг тиббий ҳужжатлари (амбулатор карта, касаллик тарихи ва ундан кўчирма) давлат тилида тўлдирилади.

Бунда, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг илтимосига кўра, тиббий ҳужжатлар мазкур Низомнинг 8-бандига мувофиқ жалб этилган таржимон томонидан чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс кўрсатган тилга таржима қилиниши мумкин.

16. Таржима қилинган тиббий ҳужжатлар (амбулатор карта, касаллик тарихи ва ундан кўчирма) даволаш муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади ва чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга (ёки қонуний вакилига) топширилади.

17. Даволаш муассасасининг мансабдор шахслари чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатишда уларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқларини бузганлик ёки соғлиғига зарар етказганлик учун жавобгар ҳисобланади.

5-боб. Яқуний қоида

18. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ**132** Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан ўтказиладиган бино ва иншоотларнинг инструментал техник текширув ишларини баҳолашнинг ягона ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3356

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги 496-сон «Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламент ҳамда Объектларнинг хавф-хатарлар тоифалари таснифини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 30 июлдаги 405-сон «Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш ҳамда электрон техник паспортларни шакллантириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюрман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан ўтказиладиган бино ва иншоотларнинг инструментал техник текширув ишларини баҳолашнинг ягона ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 10 март,
38-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
қурилиш вазирининг 2022 йил 10 мартдаги
38-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги
ҳузуридаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат
инспекциялари томонидан ўтказиладиган бино ва
иншоотларнинг инструментал техник текширув
ишларини баҳолашнинг ягона ҳисоблаш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари (бундан буён матнда ҳудудий инспекциялар деб юритилади) томонидан ўтказиладиган бино ва иншоотларнинг инструментал техник текширув ишларини баҳолашнинг ягона ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Инструментал техник текширув буюртмачилар билан тузилган шартнома асосида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда амалга оширилади.

2. Мазкур Низомга мувофиқ бино ва иншоотларда инструментал техник текширувни ўтказишда қуйидаги ишлар амалга оширилади:

бино ва иншоотларнинг лойиҳа-смета ва техник ҳужжатларга мослигини текширувдан ўтказиш;

бино ва иншоотларнинг конструктив ечими, режадаги шакли, габарит ўлчамлари, қаватлар баландлиги, антисейсмик чок орқали бўлмаларга (отсекларга) ажратилганлигини аниқлаш;

пойдевор тури, юк кўтарувчи конструкциялари, ораёпмалар, том қисми, антисейсмик тадбирлар, конструкция материалларининг мустаҳкамлик кўрсаткичлари, қурилиш майдонининг ўзига хос хусусиятлари, реконструкция давомида мустаҳкамланганлиги ҳамда муҳандислик-геологик кўрсаткичлари ҳолатини тўлиқ аниқлаш;

бино ва иншоотларда ёриқлар, бошқа шикастланишлар ва деформацияланиш жойларини аниқ белгилаш;

ўлчов ишларини олиб бориш;

олинган намуналарни инструментал-техник текширувдан ва лаборатория тадқиқотидан ўтказиш;

инструментал-техник текширувлар, ўлчов ишлари, лаборатория ҳамда модели тадқиқотларга мувофиқ бино ва иншоотларнинг зарарланиши ва конструкцияларидаги деформациялар асосида унинг техник ҳолатини баҳолаш (I-сейсмик мустаҳкамлиги меъёрда, II-сейсмик мустаҳкамлиги қониқарли,

III-сейсмик мустаҳкамлиги кониқарсиз, IV-мустаҳкамлаш талаб этилади, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида).

3. Бино ва иншоотларнинг инструментал техник текширув ишларини баҳолаш мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ Инструментал техник текширув ишларини баҳолашнинг ягона ҳисоблаш формуласи асосида амалга оширилади.

2-боб. Бино ва иншоотларнинг лойиҳа-смета ва техник ҳужжатларга мослигини текшириш ҳамда бино ва иншоотларда ёриқлар, бошқа шикастланишлар ва деформацияланиш жойларини аниқ белгилаш

4. Бино ва иншоотларнинг лойиҳа-смета ва техник ҳужжатларга мослигини текшириш ҳамда бино ва иншоотларда ёриқлар, бошқа шикастланишлар ва деформацияланиш жойларини аниқ белгилаш техник текширув ўтказиш орқали амалга оширилади.

5. Техник текширув ишларини баҳолаш бино ва иншоотнинг мураккаблик тоифаси ва бажариладиган техник текширув ишларининг мураккаблик тоифасини инобатга олган ҳолда бажариладиган ишларни мураккаблаштирувчи омилар коэффиценти, бино ва иншоот эксплуатациясининг вақт омили коэффиценти, бино ва иншоотнинг ҳажми коэффицентини ҳамда бино ва иншоотнинг конструкциясида мавжуд бўлмаган қисмлар бўйича бино ва иншоотнинг конструкциясининг умумий ҳажми йиғиндисидан айириб ташланадиган фоизлар, шунингдек тегишлилиги бўйича бир қаватли бино ва иншоотнинг қурилиш конструкциясида техник текширув ишларини бажариш нархлари ёки икки ва ундан ортиқ қаватли бино ва иншоотнинг қурилиш конструкциясида техник текширув ишларини бажариш нархларини инобатга олган ҳолда ҳисобланади.

Бунда:

бино ва иншоотнинг мураккаблик тоифаси мазкур Низомнинг 2-иловасига*;

бажариладиган техник текширув ишларининг мураккаблик тоифаси мазкур Низомнинг 3-иловасига*;

бажариладиган ишларни мураккаблаштирувчи омилар ва қўлланиладиган коэффицентлар мазкур Низомнинг 4-иловасига*;

бино ва иншоот эксплуатациясининг вақт омили ва қўлланиладиган коэффицентлар мазкур Низомнинг 5-иловасига*;

бино ва иншоотнинг ҳажмини ҳисоблашда қўлланиладиган коэффицентлар мазкур Низомнинг 6-иловасига*;

бино ва иншоотнинг конструкциясида мавжуд бўлмаган қисмлар бўйича бино ва иншоотнинг конструкциясининг умумий ҳажми йиғиндисидан айириб ташланадиган фоизлар миқдори мазкур Низомнинг 7-иловасига*;

бир қаватли бино ва иншоотнинг қурилиш конструкциясида техник текширув ишларини бажариш нархлари мазкур Низомнинг 8-иловасига*;

* 1 — 8-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

икки ва ундан ортиқ қаватли бино иншоотнинг қурилиш конструкциясида техник текширув ишларини бажариш нархлари мазкур Низомнинг 9-иловасига* мувофиқ аниқланади.

3-боб. Бино ва иншоотларнинг конструктив ечими, режадаги шакли, габарит ўлчамлари, қаватлар баландлиги, антисейсмик чок орқали бўлмаларга (отсекларга) ажратилганлигини аниқлаш ва ўлчов ишларини олиб бориш

6. Бино ва иншоотларнинг конструктив ечими, режадаги шакли, габарит ўлчамлари, қаватлар баландлиги, антисейсмик чок орқали бўлмаларга (отсекларга) ажратилганлигини аниқлаш ва ўлчов ишларини олиб бориш ўлчов ишларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

7. Ўлчов ишларини баҳолаш бино ва иншоотнинг мураккаблик тоифаси ва бажариладиган ўлчов ишларнинг мураккаблик тоифасини инobatга олган ҳолда бино ва иншоотнинг вертикал ва горизонтал конструкциялари элементларининг жойлашиш оралиғидан келиб чиққан ҳолда қўлланиладиган коэффицентини ҳамда бино ва иншоотнинг конструкцияси лойиҳасида ўлчамлари мавжуд бўлган конструкция қисмлари бўйича бино ва иншоот конструкциясининг умумий ҳажми йиғиндисидан айириб ташланадиган фоизлар, шунингдек тегишлилиги бўйича бир қаватли бино ва иншоотнинг қурилиш конструкциясида ўлчов ишларини бажариш нархлари ёки икки ва ундан ортиқ қаватли бино иншоотнинг қурилиш конструкциясида ўлчов ишларини бажариш нархларини инobatга олган ҳолда ҳисобланади.

Бунда:

бино ва иншоотнинг мураккаблик тоифаси мазкур Низомнинг 2-иловасига;

бажариладиган ўлчов ишларнинг мураккаблик тоифаси мазкур Низомнинг 10-иловасига*;

бино ва иншоотнинг вертикал ва горизонтал конструкциялари элементларининг жойлашиш оралиғидан келиб чиққан ҳолда қўлланиладиган коэффицентлар мазкур Низомнинг 11-иловасига*;

бино ва иншоотнинг конструкцияси лойиҳасида ўлчамлари мавжуд бўлган конструкция қисмлари бўйича бино ва иншоот конструкциясининг умумий ҳажми йиғиндисидан айириб ташланадиган фоизлар миқдори мазкур Низомнинг 12-иловасига*;

бир қаватли бино ва иншоотнинг қурилиш конструкциясида ўлчов ишларини бажариш нархлари мазкур Низомнинг 13-иловасига*;

икки ва ундан ортиқ қаватли бино иншоотнинг қурилиш конструкциясида ўлчов ишларини бажариш нархлари мазкур Низомнинг 14-иловасига* мувофиқ аниқланади.

* 9 — 14-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4-боб. Пойдевор тури, юк кўтарувчи конструкциялари, ораёпмалар, том қисми, антисейсмик тадбирлар, конструкция материалларининг мустаҳкамлик кўрсаткичлари, қурилиш майдонининг ўзига хос хусусиятлари, реконструкция давомида мустаҳкамланганлиги ҳамда муҳандислик-геологик кўрсаткичлари ҳолатини тўлиқ аниқлаш

8. Пойдевор тури, юк кўтарувчи конструкциялари, ораёпмалар, том қисми, антисейсмик тадбирлар, конструкция материалларининг мустаҳкамлик кўрсаткичлари, қурилиш майдонининг ўзига хос хусусиятлари, реконструкция давомида мустаҳкамланганлиги ҳамда муҳандислик-геологик кўрсаткичлари ҳолатини тўлиқ аниқлашни баҳолаш мазкур Низомнинг 15-иловасига* мувофиқ пойдевор тури, юк кўтарувчи конструкциялари, ораёпмалар, том қисми, антисейсмик тадбирлар, конструкция материалларининг мустаҳкамлик кўрсаткичлари, қурилиш майдонининг ўзига хос хусусиятлари, реконструкция давомида мустаҳкамланганлиги ҳамда муҳандислик-геологик кўрсаткичлари ҳолатини тўлиқ аниқлашда қўлланиладиган фоизларни инобатга олган ҳолда аниқланади.

5-боб. Олинган намуналарни инструментал-техник текширувдан ва лаборатория тадқиқотидан ўтказиш

9. Олинган намуналарни инструментал-техник текширувдан ва лаборатория тадқиқотидан ўтказиш лаборатория синовини ўтказиш орқали амалга оширилади.

10. Олинган намуналарни инструментал-техник текширувдан ва лаборатория тадқиқотидан ўтказишни баҳолаш бино ва иншоот конструкциясидаги бетон, гиштдан терилган девор ҳамда металл элементларининг мустаҳкамлигини аниқлашда бажариладиган ишлар нархлари ҳамда бино ва иншоот конструкциясида фойдаланилган қурилиш материалларидан намуналар танлаб олган ҳолда лаборатория синовидан ўтказиш ишларининг нархлари инобатга олган ҳолда ҳисобланади.

Бунда:

бино ва иншоот конструкциясидаги бетон, гиштдан терилган девор ҳамда металл элементларининг мустаҳкамлигини аниқлашда бажариладиган ишлар нархлари мазкур Низомнинг 16-иловасига*;

бино ва иншоот конструкциясида фойдаланилган қурилиш материалларидан намуналар танлаб олган ҳолда лаборатория синовидан ўтказиш ишларининг нархлари мазкур Низомнинг 17-иловасига* мувофиқ аниқланади.

* 15 — 17-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6-боб. Инструментал-техник текширувлар, ўлчов ишлари, лаборатория ҳамда моделли тадқиқотларга мувофиқ бино ва иншоотларнинг зарарланиши ва конструкцияларидаги деформациялар асосида унинг техник ҳолатини баҳолаш (I-сейсмик мустаҳкамлиги меъёрда, II-сейсмик мустаҳкамлиги қониқарли, III-сейсмик мустаҳкамлиги қониқарсиз, IV-мустаҳкамлаш талаб этилади, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида)

11. Инструментал-техник текширувлар, ўлчов ишлари, лаборатория ҳамда моделли тадқиқотларга мувофиқ бино ва иншоотларнинг зарарланиши ва конструкцияларидаги деформациялар асосида унинг техник ҳолатини баҳолаш (I-сейсмик мустаҳкамлиги меъёрда, II-сейсмик мустаҳкамлиги қониқарли, III-сейсмик мустаҳкамлиги қониқарсиз, IV-мустаҳкамлаш талаб этилади, авария ҳолатига мойил, авария ҳолатида) бино ва иншоотнинг мураккаблик тоифаси ва лойиҳа ишларининг мураккаблик тоифасини инобатга олган ҳолда бино ва иншоотни кучайтириш бўйича бажариладиган лойиҳа ишлари айрим турларига қўлланиладиган фоизлар, пойдевор тури, юк кўтарувчи конструкциялари, ораёпмалар, том қисми, антисейсмик тадбирлар, конструкция материалларининг мустаҳкамлик кўрсаткичлари, қурилиш майдонининг ўзига хос хусусиятлари, реконструкция давомида мустаҳкамланганлиги ҳамда муҳандислик-геологик кўрсаткичлари ҳолатини тўлиқ аниқлашда қўлланиладиган фоизлар ҳамда бино ва иншоот конструкциясидаги бетон, фишдан терилган девор ҳамда метал элементларининг мустаҳкамлигини аниқлашда бажариладиган ишлар нархлари, бино ва иншоот конструкциясида фойдаланилган қурилиш материалларидан намуналар танлаб олган ҳолда лаборатория синовидан ўтказиш ишларининг нархлари, шунингдек бир қаватли бинолардаги қурилиш конструкцияларини тиклаш ва кучайтириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун нархлар ёки икки ва ундан ортиқ қаватли бинолардаги қурилиш конструкцияларини тиклаш ва кучайтириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун нархларни инобатга олган ҳолда ҳисобланади.

Бунда:

лойиҳа ишларининг мураккаблик тоифаси мазкур Низомнинг 18-иловасига* мувофиқ;

бино ва иншоотни кучайтириш бўйича бажариладиган лойиҳа ишлари айрим турларига қўлланиладиган фоизлар мазкур Низомнинг 19-иловасига* мувофиқ;

пойдевор тури, юк кўтарувчи конструкциялари, ораёпмалар, том қисми, антисейсмик тадбирлар, конструкция материалларининг мустаҳкамлик кўрсаткичлари, қурилиш майдонининг ўзига хос хусусиятлари, реконструкция давомида мустаҳкамланганлиги ҳамда муҳандислик-геологик кўрсаткичлари ҳолатини тўлиқ аниқлашда қўлланиладиган фоизлар мазкур Низомнинг 15-иловасига мувофиқ;

* 18 — 19-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бино ва иншоот конструкциясидаги бетон, фишдан терилган девор ҳамда металл элементларининг мустаҳкамлигини аниқлашда бажариладиган ишлар нархлари мазкур Низомнинг 16-иловасига мувофиқ;

бино ва иншоот конструкциясида фойдаланилган қурилиш материалларидан намуналар танлаб олган ҳолда лаборатория синовидан ўтказиш ишларининг нархлари мазкур Низомнинг 17-иловасига мувофиқ;

бир қаватли бинолардаги қурилиш конструкцияларини тиклаш ва кучайтириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун нархлар мазкур Низомнинг 20-иловасига* мувофиқ;

икки ва ундан ортиқ қаватли бинолардаги қурилиш конструкцияларини тиклаш ва кучайтириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун нархлар мазкур Низомнинг 21-иловасига* мувофиқ аниқланади.

7-боб. Яқуний қоидалар

12. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

13. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

*Савдо-саноат палатаси
раиси биринчи ўринбосари*

И. ДЖАСИМОВ

2022 йил 2 март

* 20-21-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ХИМОЯСИ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

133 Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3357

Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхати 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўсимликлар карантини ва химояси
агентлиги Бош директори**

И. ЭРГАШЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 12 март,
3-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 12 март,
5-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 31 мартда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги
ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил
12 мартдаги 3 ва 5-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 18 декабрдаги 9/7 ва 29-сон «Республикада карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2544, 2013 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-сон, 707-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги 17 ва 1-сон «Республикада карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2544-1, 2020 йил 22 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.12.2020 й., 10/20/2544-1/1653-сон).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI ADLIA VAZIRINING
БУЙРУҒИ**134 Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3358

Ўзбекистон Республикасининг «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги ПФ–89-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш қоидалари 1-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловаға мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур буйруқ 2022 йил 1 июндан кучға қиради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 31 март,
7-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 31 мартдаги
7-мҳ-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Интеграл микросхемалар топологияларини
рўйхатдан ўтказиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказиш учун талабнома деб юритилади) тузиш, топшириш ва давлат экспертизасини ўтказиш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 31 мартда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Интеграл микросхемалар топологияларининг (бундан буён матнда топология деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) рўйхатдан ўтказилиши, илгари тижорат мақсадларида қўлланилмаган топологияни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Агар топологиядан тижорат мақсадларида фойдаланилган ҳолатлар мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикасининг «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 8-моддасига мувофиқ рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топологиядан биринчи марта фойдаланилган санадан эътиборан икки йилдан ошмаган муддатдан кечиктирилмай топширилиши лозим.

2. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома битта топологияга оид бўлиши лозим. Базавий матрицавий кристалл топологиясини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома базавий матрицавий кристаллнинг топологиясига оид ва худди шунингдек, унинг асосида амалга оширилган буюртма интеграл микросхемалар топологиясига оид материаллардан иборат бўлиши мумкин.

3. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома муаллиф (муаллифлар), иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан бевосита ёки ишончли шахс орқали Вазирликка топширилади.

2-боб. Талабномани тузиш

1-§. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома таркиби

4. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олади:

а) топологияни рўйхатдан ўтказиш учун ариза (бундан буён матнда ариза деб юритилади);

б) топологияни идентификацияловчи депонентланадиган материаллар, шу жумладан реферат;

в) патент божи тўлашдан озод қилиш ва унинг миқдорини камайтириш асосларини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек чет эл юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат экспертизасини ўтказиш учун белгиланган миқдорда давлат (патент) божи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати;

Бунда, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан давлат (патент) божи тўланганлигини қўшимча ҳужжат талаб қилмасдан вазирлик томонидан ахборот тизимлари орқали мустақил равишда текширилади.

Белгиланган миқдордаги давлат (патент) божи тўланмаган тақдирда, аризани кўриб чиқиш бўйича юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайди;

г) ишончли шахс орқали талабнома топширилган ҳолларда талабномада қўшимча равишда ишончли шахс ваколатларини тасдиқловчи ишончнома мавжуд бўлиши лозим;

д) Вазирликка топширишдан олдин илгари тижорат мақсадларида фойдаланилган топологияга доир рўйхатдан ўтказиш учун талабномада қўшимча равишда мазкур топологиядан тижорат мақсадларида биринчи марта фойдаланиш санасини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлиши лозим.

2-§. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳужжатларини расмийлаштиришга қўйиладиган умумий талаблар

5. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳужжатлари уларни бевосита репродукция қилиш имконияти бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.

6. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳужжатлари А4 (210 x 297 мм) форматдаги пишиқ, оқ, текис, шаффоф бўлмаган, ярқирамайдиган қоғозда бажарилиши ва ҳар бир ҳужжат алоҳида варақдан бошланиши лозим.

7. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳужжатлари варақларидаги хошиялар ўлчами қуйидагидан кам бўлмаслиги лозим:

чапдан — 20 мм;

юқоридан — 15 мм;

ўнгдан ва пастдан — 10 мм.

8. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳужжатларининг ҳар бирида иккинчи ва ундан кейинги барча варақлар араб сонлари билан рақамланиши лозим.

9. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳужжатлари қора рангли шрифтда босилиши лозим.

10. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳужжатлари, қоида тариқасида, ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши лозим. Агар рўйхатдан ўтказиш учун талабнома бошқа тилда тузилган бўлса, у ҳолда унинг таржимон томонидан бажарилган ва тасдиқланган ўзбек ёки рус тилидаги тўлиқ таржимаси илова қилиниши лозим.

11. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳужжатларининг матни тўлиқ ва аниқ бўлиши, бир-биридан фарқланмаслиги лозим.

12. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳужжатларидаги имзолар имзо қўювчининг фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари кўрсатилган ҳолда очиб берилиши лозим.

Юридик шахс номидан қўйилган имзода унинг раҳбари лавозими кўрсатилади.

13. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳужжатидаги фамилия, исм ва отасининг исми бош келишиқда кўрсатилади.

14. Рўйхатдан ўтказиш учун талабномада юридик шахснинг тўлиқ расмий номи келтирилади.

3-§. Аризага қўйиладиган талаблар

15. Ариза мазкур Қоидаларнинг иловасига* мувофиқ ТО-1 шаклда тақдим этилади.

16. Агар баъзи маълумотларни тегишли графаларда тўлиқ жойлаштиришнинг иложи бўлмаса, у ҳолда улар аризанинг тегишли графасида: «давомини қўшимча варақда қаранг» деб кўрсатилган ҳолда, худди ўша шаклда қўшимча варақда келтирилади.

17. Аризанинг «ариза» сўзи тепасидаги 21 ва 22-графалари ариза Вазирликка келиб тушгандан кейин реквизитларни киритиш учун мўлжалланган ва талабнома берувчи томонидан тўлдирилмайди.

18. Топологияни рўйхатдан ўтказиш сўралган 71-код остидаги «талабнома берувчи(лар)» графасида талабнома берувчи (талабнома берувчилар) тўғрисида маълумотлар келтирилади: юридик шахснинг расмий номи (таъсис ҳужжатида мувофиқ) ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми (агар мавжуд бўлса). Шунингдек, ушбу графада талабнома берувчиларнинг турар жойлари ёки манзиллари, шу жумладан мамлакатнинг расмий номи ва тўлиқ почта манзили ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Топология муаллифлари бўлган талабнома берувчиларнинг яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар бу графада келтирилмайди, балки фақат аризанинг иккинчи варағидаги 97-код остидаги графада баён этилади.

19. 71-код остидаги «талабнома берувчи(лар)» графасида, «номига» деган сўзлардан кейин номига гувоҳнома берилиши сўралаётган шахс (шахслар) тўғрисида мазкур Қоидаларнинг 18-бандида назарда тутилган маълумотлар келтирилади.

20. Номига гувоҳнома сўралаётган Ўзбекистон Республикаси корхоналари, ташкилотлари учун КТУТ коди (агар у белгиланган бўлса) кўрсатилади. Агар КТУТ коди ўрнатилмаган бўлса, тегишли ўринда «белгиланмаган» деб кўрсатилади.

21. Номига гувоҳнома сўралаётган Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи чет эл юридик шахслари ёки жисмоний шахслар учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг (бундан буён матнда БИМТ деб юритилади) ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди (агар у белгиланган бўлса) кўрсатилади.

22. Агар номига гувоҳнома сўралаётган шахслар ва (ёки) талабнома берувчилар бир нечта бўлса, кўрсатилган маълумотлар уларнинг ҳар бири учун келтирилади.

23. Агар талабнома берувчи (талабнома берувчилар) номига гувоҳнома сўралаётган бўлса, у ҳолда номига гувоҳнома сўралаётган шахс (шахслар) ҳақидаги маълумотлар ўрнига, «номига» деган сўзлардан кейин «талабнома берувчи» («талабнома берувчилар») деган сўзлар келтирилади.

24. 54-код остидаги графада топологиянинг номи келтирилади.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

25. «Муқобил номи» графасида топологиянинг муқобил номи (агар у мавжуд бўлса) келтирилади.

26. «Топологиянинг энг яқин аналоги ҳақида маълумотлар» графасида талабнома берилган топологиянинг энг яқин аналоги ҳақида зарурий библиографик маълумотлар рўйхати келтирилади.

27. «Топологиядан тижорат мақсадларида биринчи марта фойдаланилган сана ва жой номи» графасида ҳужжатлаштирилган ҳолда қайд этилган топологиядан тижорат мақсадларида биринчи марта фойдаланилган сана ва жой номи кўрсатилади.

28. «Мазкур топологиядан тижорат мақсадларида биринчи марта фойдаланилган санадаги ҳуқуқ эгаси ҳақида маълумотлар» графасида талабнома берилган топологиядан тижорат мақсадларида биринчи марта фойдаланилган санадаги ҳуқуқ эгасининг номи (исми), жойлашган манзили (турар жойи), фуқаролиги кўрсатилади.

29. «Мазкур топологияни яратишда фойдаланилган муҳофазага олинган топологиялар ҳақида маълумотлар» графасида талабнома берилган топологияни яратишда фойдаланилган муҳофазага олинган топологиялар ҳақидаги зарурий библиографик маълумотлар келтирилади.

30. 98-код остидаги «Ёзишма учун манзил» графасида почта орқали тез етказиб бериш бўйича одатдаги талабларни қондирадиган ёзишмалар учун манзил, хат олувчининг исми ёки номи ва телефон, телекс, факс рақамлари (агар улар мавжуд бўлса) келтирилади.

31. Аризанинг иккинчи варағидаги «Илова қилинадиган ҳужжатлар ва материаллар рўйхати» графаси илова қилинадиган ҳужжатлар нусхалари ва ҳар бир нусхасидаги варақлар сони кўрсатилган ҳолда тегишли катакчаларда «Х» белгисини қўйиб чиқиш орқали тўлдирилади.

32. «Талабнома топшириш ва муҳофаза ҳужжатини олиш ҳуқуқи юзага келиши учун асос» графасида талабнома топшириш ва гувоҳнома олиш учун тегишли асос (асослар) «Х» белгисини қўйиш билан белгиланади. Кўрсатилган графа гувоҳнома талабнома берувчи (талабнома берувчилар) номига сўралган ҳолатларда тўлдирилади, талабнома берувчилар таркиби муаллифлар таркиби билан бир хил бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

33. 72-код остидаги «Муаллиф(лар)» ва 97-код остидаги «Турар жойининг тўлиқ манзили» графаларида топология муаллифи (муаллифлари) ҳақидаги маълумотлари фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса), шунингдек мамлакат номи ва унинг БИМТ ST.3 стандарти бўйича коддини ўз ичига олган тўлиқ турар жойи манзили келтирилади.

34. Аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги ва уларнинг депонентланадиган материалларга мос келиши талабнома берувчилар ва муаллифларнинг имзоси билан тасдиқланади.

35. Аризанинг охириги «Имзо» графасини, имзо қўйиш санасини кўрсатган ҳолда тўлдириш барча ҳолларда мажбурийдир. Ариза талабнома берувчи, шунингдек номига гувоҳнома берилиши сўралаётган шахс томонидан (агар у талабнома берувчи бўлмаса) имзоланади. Юридик шахс номидан ариза

ташкилот раҳбари томонидан унинг лавозими кўрсатилган ҳолда имзоланади.

36. Талабнома ишончли шахс орқали топширилганда, ариза ушбу ишончли шахс томонидан имзоланади.

37. Ариза графаларидаги имзолар имзо қўювчи фамилияси, исми ва отаси исмининг (агар у мавжуд бўлса) бош ҳарфлари кўрсатилган ҳолда очиб берилади.

38. Имзо қўйишни талаб қиладиган маълумотлар қўшимча варақда келтирилган ҳолларда, у ҳам шундай тартибда имзоланади. Талабнома берувчи ёки ишончли шахснинг имзоси ҳар бир қўшимча варақда келтирилиши мажбурийдир.

4-§. Рўйхатдан ўтказиш учун талабноманинг депонентладиган материалларини расмийлаштириш учун қўйиладиган талаблар

39. Рўйхатдан ўтказилаётган топология, шу жумладан реферат идентификациясини таъминловчи материаллар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси (кейинги ўринларда — Муассаса) томонидан депонентланади.

40. Депонентладиган талабнома материаллари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

а) топологиянинг ҳар бир қатламини акс эттирадиган визуал қабул қилинадиган материалларнинг қуйида келтирилган турларидан бирининг тўлиқ тўплами, битта нусхада:

фотошаблонлар;

топологияга оид йиғма чизма ёки қатлам шаклли топологик чизмалар;

интеграл микросхемада белгиланган топологиянинг ҳар бир қатлами фотосурати;

б) расмий ахборотномада эълон қилиш учун мўлжалланган қуйидаги маълумотлар киритилган реферат, иккита нусхада:

интеграл микросхема топологиясининг номи;

талабнома берувчининг номи;

топологияси учун муҳофаза сўралган интеграл микросхеманинг фойдаланиш соҳаси, қўлланилиши ёки вазифаси;

топологияси учун муҳофаза сўралган интеграл микросхемани тайёрлашда қўлланиладиган технология тури.

Реферат матнининг ўртача ҳажми — 700 босма белгидан иборат.

41. Талабнома топшириладиган санадан олдин тижорат мақсадларида фойдаланилган топологияни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширишда талабноманинг депонентладиган материаллари қўшимча равишда мазкур топологияни, ундан тижорат мақсадларида фойдаланилган пайтдаги шаклини ўз ичига олган тўртта интеграл микросхема намунасига эга бўлиши, реферат эса — қўшимча равишда топологиядан тижорат мақсад-

ларида биринчи марта фойдаланилган сана ҳақида маълумотларга ва интеграл микросхема намунасининг асосий техник тавсифига эга бўлиши лозим.

42. Визуал қабул қилинадиган материаллардаги тасвирлар масштаби 20:1 дан кам бўлмаслиги лозим.

43. Топологик чизмаларнинг график тасвирлари текис оқ қоғозда бажарилади.

Варақлар формати тахланган ҳолда 210 x 297 мм бўлиши лозим.

График тасвирлар бажарилган варақ хошияларининг минимал ўлчами куйидагича:

юқоридан ва чапдан — 20 мм;

ўнгдан — 15 мм;

пастдан — 10 мм.

44. Фотосуратлардаги тасвирлар аниқ-равшан бўлиши лозим.

45. Чизмалар ва фотосуратларнинг барча нусхаларида тасвирларнинг масштаби кўрсатилиши лозим.

46. Рўйхатдан ўтказиш учун талабнома таркибига кирган интеграл микросхема намуналари зарурат туғилганда улардан топология ҳар бир қатламининг визуал қабул қилинадиган тасвирини олиш имконияти билан бажарилади.

47. Агар топология қатламларидан бирортасида махфий маълумотлар (масалан, «ноу-хау»га оид) бўлса, визуал қабул қилинадиган материалларда ушбу қатламнинг тегишли қисми (ёки бутун қатлам) чиқариб олиниши ва кодланган шаклдаги топологияни идентификация қилувчи депонентладиган материаллар таркибига киритилиши мумкин.

5-§. Давлат (патент) божи тўланганига доир ҳужжатларга қўйиладиган талаблар

48. Талабномага давлат (патент) божини тўлашдан озод қилиш учун асосларни тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек чет эл юридик ва жисмоний шахслар томонидан белгиланган миқдорда давлат (патент) божи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати, тегишли илтимоснома билан бирга илова қилинади.

49. Давлат (патент) божи белгиланган миқдордан кам тўланганда, бож миқдорини камайтириш учун асосларни тасдиқловчи ҳужжат ва тегишли илтимоснома тақдим этилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан давлат (патент) божи тўланганлигини қўшимча ҳужжат талаб қилмасдан вазирлик томонидан ахборот тизимлари орқали мустақил равишда текширилади.

Белгиланган миқдордаги давлат (патент) божи тўланмаган тақдирда, аризани кўриб чиқиш бўйича юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайди.

6-§. Талабнома берувчи томонидан ишончли шахсга берилган ваколатларни тасдиқловчи ишончномага қўйиладиган талаблар

50. Ишончли шахс орқали топширилган талабномага ишончли шахсга талабнома берувчи томонидан берилган ва унинг ваколатларини тасдиқлайдиган ишончнома ёхуд ишончнома нухаси талабнома билан бир вақтда илова сифатида тақдим этилади.

51. Ишончномада ишончли шахснинг ваколатлари ҳажми белгиланган ва ишончнома берилган сана кўрсатилган бўлиши лозим, акс ҳолда у ҳақиқий ҳисобланмайди. Ишончнома уни берган шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим.

52. Ишончноманинг амал қилиш муддати уч йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Агар амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, ишончнома берилган санадан эътиборан бир йил давомида ҳақиқий ҳисобланади.

53. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида расмийлаштирилган ишончнома уни берган мамлакат қонунчилигида назарда тутилган тартибда тузилади.

3-боб. Талабномани топшириш

54. Талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан бевосита Вазирликка топширилади ёки почта хизмати орқали жўнатилади.

55. Талабнома бир нечта талабнома берувчилар томонидан топширилиши мумкин. Бунда талабнома берувчилардан бирининг муҳофаза ҳужжатини бериш бўйича тадбирларда қатнашишни рад этиши қолган талабнома берувчи ёки талабнома берувчиларнинг муҳофаза ҳужжатини олиш учун керакли хатти-ҳаракатларни амалга оширишига тўсик бўлмайди.

56. Талабнома бевосита талабнома топширувчи томонидан ёхуд ишончли шахс орқали топширилиши мумкин.

57. Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, агар илгари топологиядан тижорат мақсадларида фойдаланилган бўлса, талабнома Вазирликка топология биринчи марта фойдаланилган санадан эътиборан икки йилдан ошмаган муддатдан кечиктирилмай топширилиши лозим.

4-боб. Талабноманинг давлат экспертизаси

58. Рўйхатдан ўтказиш учун талабномада керакли ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги Муассаса томонидан талабнома материаллари тақдим этилган санадан эътиборан икки ой муддатда кўриб чиқилади.

59. Талабномани давлат экспертизасидан ўтказишда қўйидагилар текширилади:

а) рўйхатдан ўтказиш учун талабномада бўлиши лозим бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги;

б) рўйхатдан ўтказиш учун талабнома ҳужжатларининг белгиланган талабларга мувофиқ тарзда тўғри расмийлаштирилгани.

60. Мазкур Қоидаларининг 59-бандида келтириб ўтилган талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш натижаларига кўра, Муассаса талабнома берувчига талабнома рўйхатга олиш учун қабул қилингани тўғрисида эълон қилиш ва гувоҳнома бериш учун божни тўлаш муддати кўрсатилган ёки сабаблари кўрсатилган ҳолда рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида билдиришнома ёхуд талабнома ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф этиш учун киритилиши керак бўлган маълумотлар кўрсатилган сўровномани жўнатади.

61. Талабнома берувчи томонидан Қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмида белгиланган талабларга риоя этилмаганда, яъни топологиядан тижорат мақсадларида биринчи марта фойдаланилган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширилгунга қадар белгиланган икки йиллик муддатга талабнома берувчи амал қилмаганда Муассаса талабномани рўйхатга олишни рад этиш ҳуқуқига эга. Бунда талабнома материаллари талабнома берувчига қайтарилмайди.

62. Агар рўйхатдан ўтказиш учун талабнома давлат экспертизаси жараёнида унинг ҳужжатларига қўйилган талабларга риоя этилмаган ҳолда расмийлаштирилгани аниқланса, талабнома берувчига камчиликлар кўрсатилиб сўровнома жўнатилади ва етишмаган ёки тузатилган ҳужжатларни сўровнома жўнатилган санадан эътиборан уч ой ичида тақдим этиш таклиф қилинади.

63. Агар талабнома берувчи белгиланган муддатда сўралган материалларни ёки уларни топшириш муддатларини узайтириш ҳақидаги илтимосномани тақдим этмаса, талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади ва бу ҳақда талабнома берувчига хабар берилади.

64. Топологияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар талабнома берувчи талабнома материалларига тузатишлар, аниқликлар ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.

65. Агар талабнома барча керакли ҳужжатларни ўз ичига олган, уларни тузишда мазкур Қоидаларда белгиланган талабларга риоя этилган бўлса ва талабномада кўрсатилган таклиф Қонуннинг 8-моддаси иккинчи қисмига зид бўлмаса, у ҳолда Муассаса топологияни рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақида талабнома берувчини хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 31 мартдаги
7-мх-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2002 йил 19 августдаги 42-сон «Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш ва топшириш қоидалари ва давлат экспертизасини ўтказиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1168, 2002 йил 27 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 15-16-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2011 йил 26 августдаги 36-сон «Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш ва топшириш қоидалари ва давлат экспертизасини ўтказиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1168-1, 2011 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 419-модда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI ADLIYA VAZIRINING
БУЙРУҒИ

135 Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқни ўтказиш тўғрисидаги шартномани ва улардан фойдаланиш учун лицензия шартномаларини, интеграл микросхемалар топологияларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш ва мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3359*

Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида», «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида», «Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаларини ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш тўғрисида» ва «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқӣ муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги ПФ–89-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқӣ хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқни ўтказиш тўғрисидаги шартномани ва улардан фойдаланиш учун лицензия шартномаларини, интеграл микросхемалар топологияларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурға ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш ва мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидалари 1-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравӣ норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатлар 2-иловаға мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ 2022 йил 1 июндан кучға қиради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 31 март,
8-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 31 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 31 мартдаги
8-мх-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқни ўтказиш тўғрисидаги шартномани ва улардан фойдаланиш учун лицензия шартномаларини, интеграл микросхемалар топологияларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш ва мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар қуйидаги шартномаларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди:

Ихтиролар давлат реестрида, Фойдали моделлар давлат реестрида, Саноат намуналари давлат реестрида, Ўсимлик навлари давлат реестрида ва Ҳайвон зотлари давлат реестрида рўйхатга олинган ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома ва ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғидан фойдаланиш учун лицензия шартномаси;

Товар белгилари давлат реестрида рўйхатга олинган товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига (бундан буён матнда товар белгиси деб юритилади) бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома ва Товар белгилари давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказилмай туриб Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан муҳофаза қилинадиган товар белгисидан фойдаланиш учун лицензия шартномаси;

Интеграл микросхемалар топологиялари давлат реестрида рўйхатга олинган интеграл микросхемалар топологияларига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома;

Электрон ҳисоблаш машиналари (бундан буён матнда ЭҲМ деб юритилади) учун Дастурий маҳсулотлар давлат реестрида ва Маълумотлар базалари давлат реестрида рўйхатга олинган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар ва мулкӣ ҳуқуқларнинг ўзгаларга ўтказилиши тўғрисидаги шартномалар.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

шартнома — ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғига, товар белгисига бўлган ҳуқуқни ўтказиш, интеграл микросхемалар топологияларига ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман ўтказиш, ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни тўлиқ ёки қисман ўтказиш ва мулкӣ ҳуқуқларнинг ўзгаларга ўтказилиши тўғрисидаги шартномалар;

лицензия шартномаси — ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгисидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни бериш тўғрисидаги шартнома;

сублицензия шартномаси — лицензиат томонидан ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, селекция ютуғидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома;

лицензиар — ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқ эгаси;

лицензиат — ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, селекция ютуғидан фойдаланувчи шахс;

муҳофаза ҳужжати — патент, гувоҳнома.

2. Вазирликда қуйидаги шартномалар рўйхатдан ўтказилади:

Ихтиролар давлат реестрида, Фойдали моделлар давлат реестрида, Саноат намуналари давлат реестрида, Ўсимлик навлари давлат реестрида ва Ҳайвон зотлари давлат реестрида рўйхатга олинган ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома;

Ихтиролар давлат реестрида, Фойдали моделлар давлат реестрида, Саноат намуналари давлат реестрида, Ўсимлик навлари давлат реестрида ва Ҳайвон зотлари давлат реестрида рўйхатга олинган ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғидан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномаси (сублицензия шартномаси);

Товар белгилари давлат реестрида рўйхатга олинган товар белгисига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома;

Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинаётган товар белгисидан фойдаланиш тўғрисидаги лицензия шартномаси (сублицензия шартномаси). Жамоавий белги ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин эмас;

Интеграл микросхемалар топологиялари давлат реестрида рўйхатга олинган интеграл микросхемалар топологияларига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома;

ЭҲМ учун Дастурий маҳсулотлар давлат реестрида ва Маълумотлар базалари давлат реестрида рўйхатга олинган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни тўлиқ ёки қисман бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар ва мулкӣ ҳуқуқларнинг ўзгаларга ўтказилиши тўғрисидаги шартномалар.

3. Ўзбекистон Республикаси «Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқӣ муҳофазаси тўғрисида»-

ги Қонунининг 9-моддасига мувофиқ томонларнинг келишувига биноан Вазирликда ЭХМ учун Дастурий махсулотлар давлат реестрида ва Маълумотлар базалари давлат реестрида рўйхатга олинган ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкӣ ҳуқуқларнинг ўзгаларга ўтказилиши тўғрисидаги шартнома рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

4. Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишга, башарти у истеъмолчини товар ёки унинг тайёрловчиси хусусида чалғитадиган бўлса, йўл қўйилмайди.

5. Шартномани рўйхатдан ўтказиш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасига киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган миқдордаги давлат (патент) божи тўланади.

6. Шартномани ёки рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасига киритилган ўзгартиришларни рўйхатга олишга оид ишлар патент эгаси (ҳуқуқ эгаси) томонидан мустақил равишда ёки ваколатлари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома билан тасдиқланган вакил орқали амалга оширилади.

Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, ариза Вазирликда рўйхатга олинган патент вакили (бундан буён матнда патент вакили деб юритилади) орқали топширилади. Патент вакилининг ваколатлари ишончнома билан тасдиқланади.

2-боб. Ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этиш

7. Шартномани рўйхатдан ўтказиш учун Вазирликка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) шартномани рўйхатдан ўтказиш учун ариза.

Ариза ушбу Қоидаларга 1-иловада* келтирилган шаклда ўзбек ёки рус тилида бир нусхада топширилади. Хорижий исмлар ва корхоналарнинг номлари ўзбекча ёки русча транслитерацияда келтирилади.

Ариза битта шартномага тегишли бўлиши керак.

Агар патент эгалари (ҳуқуқ эгалари)нинг бошқа шахсга лицензияни тақдим этиш ёки ҳуқуқни топширишга розилиги тақдим этилаётган бошқа бирон ҳужжатда қайд этилмаган бўлса, ариза уларнинг ҳаммалари томонидан имзоланади.

Юридик шахс томонидан ариза корхона, ташкилот раҳбари томонидан ёки бунга ваколатли шахс томонидан, унинг лавозими кўрсатилган ҳолда, имзоланади.

Имзолар имзо қўяётган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исмлари бош ҳарфлари кўрсатилган ҳолда очиб берилади;

б) уч нусхада белгиланган тартибда тасдиқланган шартнома ёки шартномадан кўчирма.

Шартнома варақлари тикилган, рақамланган бўлиши ва уларда тузатишлар, қўшимча ёзувлар, ўчирилган сўзлар ҳамда бошқа келишилмаган тўғри-лашлар бўлмаслиги керак.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Шартнома қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:
аниқ кўрсатилган шартнома томонлари;
шартнома предмети (муҳофаза ҳужжатининг рақами, товар белгисининг халқаро рўйхатга олиш рақами);
ҳуқуқни ўтказиш тури;
лицензия шартномаси бўйича ўтказилаётган ҳуқуқлар ҳажми;
лицензия шартномасининг амал қилиш ҳудуди;
лицензия шартномасининг амал қилиш муддати;
мукофот миқдори (ёки бу борада келишув мавжудлигини тасдиқлайдиган қоида).

Товар белгисига тааллуқли лицензия шартномасида лицензиат товарларининг сифати лицензиар товарларининг сифатидан паст бўлмаслиги ҳақида шарт қўйилган бўлиши ва лицензиар бу шартнинг бажарилишини назорат қилиши кўрсатилиши лозим.

Товар белгисига ҳуқуқни қисман топшириш тўғрисидаги шартномада ҳуқуқлар топширилаётган белгиларни рўйхатга олиш учун Товарлар ва хизматларнинг халқаро классификациясига мувофиқ гуруҳлаштирилган товарлар ва (ёки) хизматларнинг рўйхати бўлиши керак;

г) мерос қилиб олишлик ҳуқуқи ёки ҳуқуқий ворислик ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат (зарур ҳолларда);

д) вакилнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ишончнома;

е) чет эл юридик ва жисмоний шахслари томонидан шартномани рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган миқдордаги давлат (патент) божи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан давлат (патент) божи тўланганлигини қўшимча ҳужжат талаб қилмасдан вазирлик томонидан ахборот тизимлари орқали мустақил равишда текширилади.

Белгиланган миқдордаги давлат (патент) божи тўланмаган тақдирда, аризани кўриб чиқиш бўйича юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайди.

8. Сублицензия шартномаси рўйхатдан ўтказилганда илгари рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасининг нусхаси тақдим этилади.

9. Аризага илова қилинаётган ҳужжатлар ўзбек, рус ёки бошқа тилда тақдим этилиши мумкин. Агар ҳужжатлар бошқа тилда тақдим этилган бўлса, уларнинг ўзбек ёки рус тилига таржимаси илова қилинади.

10. Ариза ва унга илова қилинаётган ҳужжатлар Вазирликка бевосита топширилади ёки почта орқали жўнатилади.

3-боб. Шартномани кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказиш

11. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар Вазирликка келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддат давомида керакли ҳужжатларнинг мавжудлиги ва улар ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

12. Керакли ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ёки шартномани рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Қоидаларда белгиланган талаблар бузилган ҳолда тузилган ёхуд шартномада бир-бирини истисно қиладиган ҳолатларнинг мавжудлиги аниқланган ҳолларда, ариза топширган шахсга билдиришнома юборилади ва унда билдиришнома юборилган санадан эътиборан уч ой мобайнида мавжуд бўлмаган ва (ёки) тўғрилланган ҳужжатларни тақдим этиш ва (ёки) тақдим этилган шартномага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинади.

Бунда аризани кўриб чиқиш учун белгиланган муддатнинг кечиши етишмаётган ёки тўғрилланган ҳужжатлардан охиригиси келиб тушмагунга қадар тўхтатиб турилади.

13. Тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Қоидаларнинг талабига мувофиқ бўлса, бу ҳолда Вазирлик шартномани рўйхатдан ўтказиш ва шартнома рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотларни тегишли Давлат реестрига киритади. Бунда аризада кўрсатилган ёзишмалар учун манзилга рўйхатдан ўтказилган рақами, рўйхатдан ўтказилган санаси кўрсатилган шартноманинг иккита нусхаси ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот келтирилган муҳофаза ҳужжатига илова юборилади.

Рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхаси назорат нусха бўлиб, Вазирликда сақланади.

14. Тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Қоидаларнинг талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолларда Вазирлик шартномани рўйхатдан ўтказишни рад этади. Бунда, Вазирлик ариза топширган шахсга шартномани рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисида рад этилганлик асослари кўрсатилган билдиришнома юборади ва тақдим этилган ҳужжатларни, аризадан ташқари, қайтариб юборади.

15. Шартнома рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Вазирликнинг расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган Вазирликнинг расмий ахборотномасида қуйидаги ҳажмда эълон қилинади:

- шартноманинг рўйхатдан ўтказилган рақами;
- ўтказилаётган ҳуқуқлар ҳажми;
- шартнома предмети;
- белгиланган шартнома томонлари;
- лицензия шартномасининг амал қилиш ҳудуди;
- лицензия шартномасининг амал қилиш муддати.

4-боб. Рўйхатдан ўтказилган лицензия шартномасидаги ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш

16. Лицензия шартномасига киритиладиган ўзгартиришлар қуйидагиларга нисбатан рўйхатдан ўтказилади:

- томонларни белгилаш;
- шартнома предмети;
- амал қилиш муддати;
- амал қилиш ҳудуди;

ўтказилаётган ҳуқуқлар ҳажми.

17. Рўйхатдан ўтказилган шартномага киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ушбу Қоидаларга 2-иловада* келтирилган шаклда топширилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

а) шартнома томонларининг тегишли ўзгартиришларни киритиш тўғрисидаги келишувини тасдиқлайдиган ҳужжат;

б) чет эл юридик ва жисмоний шахслар томонидан киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган миқдордаги давлат (патент) божи тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан давлат (патент) божи тўланганлигини қўшимча ҳужжат талаб қилмасдан вазирлик томонидан ахборот тизимлари орқали мустақил равишда текширилади.

Белгиланган миқдордаги давлат (патент) божи тўланмаган тақдирда, аризани кўриб чиқиш бўйича юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайди.

18. Киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш ушбу Қоидаларнинг 11 — 14-бандлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

19. Рўйхатдан ўтказилган шартномага киритилган ўзгартиришлар рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Вазирликнинг расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2022 йил 31 мартдаги
8-мх-сон буйруғига
2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2005 йил 11 майдаги 48-сон «Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларни бериш ва лицензия шартномаларидан фойдаланиш, интеграл микросхемалар топологиясига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бериш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга, маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни бутунлай ёки қисман ўзгаларга бериш ва мулкӣ ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1481, 2005 йил 17 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 176-модда).

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2011 йил 26 августдаги 25-сон «Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларни бериш ва лицензия шартномаларидан фойдаланиш, интеграл микросхемалар топологиясига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бериш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга, маълумотлар базасига бўлган барча мулкый ҳуқуқларни бутунлай ёки қисман ўзгаларга бериш ва мулкый ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1481-1, 2011 йил 30 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 424-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2013 йил 14 октябрдаги 128-сон «Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларни бериш ва лицензия шартномаларидан фойдаланиш, интеграл микросхемалар топологиясига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бериш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга, маълумотлар базасига бўлган барча мулкый ҳуқуқларни бутунлай ёки қисман ўзгаларга бериш ва мулкый ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1481-2, 2013 йил 21 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 43-сон, 574-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 23-сон «Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларни бериш ва лицензия шартномаларидан фойдаланиш, интеграл микросхемалар топологиясига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бериш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга, маълумотлар базасига бўлган барча мулкый ҳуқуқларни бутунлай ёки қисман ўзгаларга бериш ва мулкый ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1481-3, 2017 йил 17 ноябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.11.2017 й., 10/17/1481-3/0275-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

136 Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги тиббий-ижтимоий муассасаларда пуллик хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3360*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги ПФ-6195-сон «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги тиббий-ижтимоий муассасаларда пуллик хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. ИНАКОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 31 март,
52-ИЧ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил
31 мартдаги 52-ИЧ-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий
хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги
тиббий-ижтимоий муассасаларда пуллик хизмат
кўрсатиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) тизимидаги «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларида, Ногиронлиги

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 1 апрелда эълон қилинган.

бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, унинг худудий марказларида, Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларда, Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида (бундан буён матнда тиббий-ижтимоий муассаса деб юритилади) пуллик хизмат кўрсатиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

пуллик хизматлар — мижозга тиббий-ижтимоий муассасаларда шартнома асосида ҳақ эвазига мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ кўрсатиладиган хизматлар;

мижоз — тиббий-ижтимоий муассасаларда шартнома асосида пуллик хизматлардан ўз ихтиёрига кўра фойдаланувчи жисмоний шахс.

2. Мижоз тиббий-ижтимоий муассасаларга бепул тиббий-ижтимоий хизмат олиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатсиз (масалан, ордер, йўлланма) бевосита мурожаат қилиши ҳамда пуллик хизматлардан шартнома асосида ҳақ эвазига фойдаланиши мумкин.

3. Тиббий-ижтимоий муассасаларда ташкил этиладиган пуллик хизматлар Давлат бюджетидан молиялаштирилиши белгиланган бепул хизматларнинг сифати ва ҳажмига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 575-сон «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан пуллик хизматлардан фойдаланиш хоҳишини билдирган мижозларда тиббий-ижтимоий муассасаларга қабул қилишга қарши кўрсатмалар аниқланган тақдирда, улар белгиланган тартибда худудий даволаш-профилактика муассасаларига юборилади.

2-боб. Тиббий-ижтимоий муассасаларда пуллик хизматларни ташкил этиш

5. Тиббий-ижтимоий муассасалар томонидан мижозларга кўрсатиладиган пуллик хизматлар мазкур Низомга 1-иловадаги рўйхатга мувофиқ ташкил этилади ва амалга оширилади.

Ушбу Низомга 1-иловада назарда тутилмаган пуллик хизматлар тиббий-ижтимоий муассасалар томонидан кўрсатилиши тақиқланади.

6. Тиббий-ижтимоий муассасаларда пуллик хизматларнинг прејскурант нархлари ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар Агентлик билан келишилган ҳолда тиббий-ижтимоий муассаса раҳбари томонидан тасдиқланади.

7. Тиббий-ижтимоий муассасаларда кейинги йил учун кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг прејскурант нархлари тиббий-ижтимоий муассаса раҳбари томонидан ҳар йили 25 декабрга қадар тасдиқланади.

8. Мижозларга пуллик хизматларни кўрсатишда тиббий-ижтимоий муассасаларда қуйидагилар мавжуд бўлиши шарт:

мазкур Низомга 2-иловада* назарда тутилган шаклда тиббий-ижтимоий муассасанинг қабулхонасида (бундан буён матнда қабулхона деб юритилди) жойлаштирилган мижозга кўрсатиладиган пуллик хизматлар ҳақида маълумот берувчи ахборот бурчаги;

ушбу Низомнинг 6-бандида белгиланган тартибда тасдиқланадиган пуллик хизматларнинг прејскурант нархлари;

мижозларга мазкур Низомга 1-иловада белгиланган пуллик хизматларни кўрсатиш учун даволаш ва муолажа хоналари;

пуллик хизмат кўрсатадиган шифокорлар (мутахассислар) ҳақида маълумотлар (унинг Ф.И.Ш., мутахассислиги, иш стажи, малака тоифаси, унинг соҳада эришган ютуқлари) тақдим этувчи ахборот бурчаги.

3-боб. Тиббий-ижтимоий муассасаларга мижозларни қабул қилиш ва пуллик хизмат кўрсатиш

9. Тиббий-ижтимоий муассасага пуллик хизматдан фойдаланиш учун муружаат қилган шахс қабулхонадаги масъул ходим томонидан қабул қилинади ҳамда тиббий-ижтимоий муассасада кўрсатиладиган пуллик хизматлар тўғрисида тушунтириш берилади.

Бунда, шахс тиббий-ижтимоий муассасада кўрсатиладиган пуллик хизматлардан фойдаланиш хоҳишини билдирган тақдирда қабулхона масъул ходими томонидан унга шахсини тасдиқловчи ҳужжат (биометрик паспорт ёки идентификация ID-картаси) асосида амбулатор карта очилади.

Шунингдек, қабулхона масъул ходими томонидан пуллик хизматлардан фойдаланиш хоҳишини билдирган шахсга ушбу Низомнинг 6-бандида белгиланган тартибда тасдиқланадиган прејскурант бўйича шифокорнинг (мутахассиснинг) кўриги ҳамда дастлабки тиббий текширувлар учун ҳақ тўлаш зарурлиги тушунтирилади.

10. Мижоз прејскурант бўйича ҳақ тўлаганидан сўнг қабулхонадаги масъул ходим томонидан тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатилиши, шу жумладан маслаҳат олиш учун шифокорга (мутахассисга) юборилади.

Бунда, қабулхона масъул ходими томонидан маслаҳат берувчи шифокорга (мутахассисга) амбулатор картани тақдим этиш зарурлиги тўғрисида мижозга тушунтирилиши лозим.

11. Шифокор (мутахассис) мижозга маслаҳат бериш вақтида уни дастлабки тиббий текширувдан ўтишга юборади. Бунда, дастлабки тиббий текширув натижалари бўйича мижозга асосли ташхис қўйиш имкони бўлмаганда шифокор (мутахассис) томонидан унга нисбатан қўшимча тиббий текширувлар белгиланиши мумкин.

Текширув натижаларига кўра, шифокор (мутахассис) томонидан мижозга амбулатор ёки стационар шароитда тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатилиши белгиланади.

Мижозга амбулатор ёки стационар шароитда тиббий-ижтимоий хизмат

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кўрсатилиши белгилангандан сўнг шифокор (мутахассис) мижознинг амбулатор картасини қабулхонадаги масъул ходимга топширади.

12. Мижозга стационар шароитда тиббий-ижтимоий хизматлар даволаш ва муолажа хоналарида кўрсатилади.

13. «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларида шартнома асосида пуллик тиббий-ижтимоий хизматнинг кундузги қатнов ҳамда интернат тизими ташкил этилиши мумкин.

14. Пуллик хизмат тиббий-ижтимоий муассаса ҳамда мижоз ўртасида расмийлаштириладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Томонлар ўртасида расмийлаштириладиган шартномада тиббий-ижтимоий хизматларнинг ҳар бир йўналиши бўйича асосий қоидалар, тиббий-ижтимоий муассасанинг вазифалари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, шу жумладан тўлов шартлари алоҳида кўрсатилади.

Пуллик хизмат кўрсатиш юзасидан шартнома икки нусхада тузилади ҳамда мижоз, унинг ҳомийси (у мавжуд бўлганда) ва тиббий-ижтимоий муассаса раҳбари томонидан имзоланади.

Шартноманинг бир нусхаси мижозга ёки унинг ҳомийсига (у мавжуд бўлганда) берилади, иккинчи нусхаси тиббий-ижтимоий муассасанинг ҳужжатлар йиғма жилдларида сақлаш учун қолдирилади.

15. Кўрсатилган пуллик хизмат натижасида мижознинг соғлиғида салбий оқибатлар юзага келганда, унга етказилган зарар тиббий-ижтимоий муассасанинг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда, мазкур етказилган зарар тиббий-ижтимоий муассаса томонидан нотўғри хатти-ҳаракат содир этган шифокордан (мутахассисдан) қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олиниши мумкин.

16. Мижоз тиббий-ижтимоий муассасадан чиқиш вақтида кўрсатилган пуллик хизматлар юзасидан бажарилган ишлар далолатномаси тузилади ва далолатномага асосан якуний ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

Бунда, мижоз томонидан тўланмасдан қолган маблағлар тўлиқ қопланиши ёки ортиқча тўланган маблағнинг қайтарилиши ўзаро ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилади.

17. Пуллик хизматлар юзасидан мижозлар билан тузиладиган шартномаларни ва якуний ҳисоб-китоб далолатномаларини расмийлаштириш тиббий-ижтимоий муассасанинг бухгалтерия хизмати томонидан амалга оширилади.

18. Мижоз ёки унинг ҳомийси мижоз учун зарур бўлган қўшимча тиббий-ижтимоий хизмат ҳажми учун тўловни рад этган тақдирда, қиймати тўланган пуллик хизматларни мижоз тўлиқ ҳажмда олгандан кейин тегишли даволаш-профилактика муассасасига мурожаат қилиши тушунтирилган ҳолда тиббий-ижтимоий муассасадан чиқарилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги ПФ-6195-сон «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий

қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ пуллик хизматлардан жами тушган маблағларнинг 2 фоизи Агентликнинг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағига йўналтирилади.

Бунда, пуллик хизматлардан тушган жами маблағларнинг 2 фоизи Агентликнинг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағига йўналтирилиши ҳар ой учун кейинги ойнинг 5-санасига қадар амалга оширилади.

20. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

21. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2022 йил 28 март

Соғлиқни сақлаш вазири

Б. МУСАЕВ

2022 йил 30 март

Ўзбекистон Республикаси
Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги тиббий-ижтимоий муассасаларда пуллик хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги тиббий-ижтимоий муассасалар томонидан миждозларга кўрсатиладиган пуллик хизматлар турлари
РЎЙХАТИ**

1-боб. «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари, Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар, Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида кўрсатиладиган пуллик тиббий-ижтимоий хизматлар

1. Мутахассис кўриги;
2. Ётоқ ўрин билан таъминлаш;
3. Озиқ-овқат билан таъминлаш;
4. Клиник таҳлиллар;

5. Биохимик таҳлиллар;
6. Функционал ташхислаш;
7. Физиотерапевтик муолажалар;
8. Уқалаш;
9. Даволаш бадантарбияси;
10. Дори юбориш (мушак орасига, қон томир ичига, бўғим ичига);
11. Дори воситалари;
12. Тиббий буюмлар.

2-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, унинг ҳудудий марказларида кўрсатиладиган пуллик тиббий-ижтимоий хизматлар

1. Мутахассис кўриги;
2. Ётоқ ўрин билан таъминлаш;
3. Озиқ-овқат билан таъминлаш;
4. Клиник таҳлиллар;
5. Биохимик таҳлиллар;
6. Функционал ташхислаш;
7. Нур ташхислаш;
8. Физиотерапевтик муолажалар;
9. Уқалаш;
10. Даволаш бадантарбияси;
11. Жарроҳлик амалиётлари;
12. Оғриксизлантириш;
13. Гипс боғлами ўрнатиш;
14. Жароҳатдаги боғламни алмаштириш;
15. Дори юбориш (мушак орасига, қон томир ичига, бўғим ичига);
16. Дори воситалари;
17. Тиббий буюмлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**137** Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (13-сонли БҲС) «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар»ни тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3361*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда бюджет ҳисобини давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқлаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (13-сонли БҲС) «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ 2023 йил 1 январдан кучга киради.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 29 март,
9-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2022 йил 29 мартдаги
9-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти
(13-сонли БҲС) «Консолидациялашган молиявий
ҳисоботлар»**

Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (13-сонли БҲС) «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг бюджет ҳисоботлари (бундан буён матнда бюджет ҳисоботлари деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботи асосида консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузиш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 1 апрелда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Стандартда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

консолидациялашган бюджет — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади) томонидан молия йили яқунлари бўйича тахлилий мақсадлар учун ҳамда бюджет тизими бюджетларининг барча тушумлари ва харажатларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (бундан буён матнда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси деб юритилади) маблағларини, улар ўртасидаги трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда ҳисобга олиб бориш учун тузиладиган бюджет;

консолидациялашган молиявий ҳисобот — бюджет ҳисоботлари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланган ҳолда Молия вазирлиги томонидан тузиладиган ҳисобот.

2. Консолидациялашган бюджет таркиби Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига асосан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини ўз ичига олади.

2-боб. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлашга қўйиладиган талаблар

3. Консолидациялашган молиявий ҳисобот Молия вазирлиги томонидан бюджет ҳисоботлари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланган ҳолда чораклик ва молия йили яқунлари бўйича тузилади.

4. Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар консолидациялашган бюджет таркиби асосида тузилади ҳамда мазкур ҳисоботларда:

баланс, даромадлар ва харажатлар, дебитор ва кредитор қарздорлик, номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларнинг кўрсаткичлари Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномада (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) белгиланган бир хил даромадлар ва харажатлар таснифи бўйича жамланиши;

консолидациялашган бюджет таркибига киритилган манбалар ўртасида маблағларнинг бир-бирига ҳамда бир манба таркибида ўтказилиши, шунингдек қабул қилиниши (улар ўртасидаги трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда) билан боғлиқ молиявий операциялар уларнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиққан ҳолда икки марта ҳисобга олинмаслиги лозим.

3-боб. Консолидациялашган молиявий ҳисобот турлари

5. Консолидациялашган молиявий ҳисобот турлари қуйидагилардан иборат:

мазкур Стандартнинг 1-иловасига* мувофиқ консолидациялашган бюджетнинг жамланма ҳисоботи;

мазкур Стандартнинг 2-иловасига* мувофиқ консолидациялашган бюджет даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисобот;

мазкур Стандартнинг 3-иловасига* мувофиқ консолидациялашган бюджет харажатлари ижроси тўғрисидаги ҳисобот;

мазкур Стандартнинг 4-иловасига* мувофиқ консолидациялашган бюджетнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумот;

мазкур Стандартнинг 5-иловасига* мувофиқ консолидациялашган бюджетнинг номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.

6. Консолидациялашган бюджетнинг жамланма ҳисоботида консолидациялашган бюджет даромадлари, консолидациялашган бюджет харажатлари, давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар, консолидациялашган бюджет сальдоси, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари сальдоси, давлат қарзларини сўндириш бўйича кўрсаткичларнинг ижро ҳолатлари кўрсатилади.

7. Консолидациялашган бюджет даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботда бюджет тизими бюджетларига ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар (улар ўртасидаги трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда) акс эттирилади.

8. Консолидациялашган бюджет харажатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботда бюджет тизими бюджетлари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши (улар ўртасидаги трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда), шунингдек ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар кўрсатилади.

9. Консолидациялашган бюджетнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотда Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномада (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) белгиланган харажатлар иқтисодий таснифининг 1 — 4-гурух харажат моддалари бўйича барча мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзлари акс эттирилади.

10. Консолидациялашган бюджетнинг номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда ҳисобот йили давомидаги номолиявий активларнинг (асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий захиралар) мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

4-боб. Ҳисобот тузиш ва тақдим этиш даври

11. Чораклик консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ҳисобот йилининг 1 апрель, 1 июль ва 1 октябрь ҳолатига, йиллик консолидациялашган молиявий ҳисоботлар эса, келгуси ҳисобот йилининг 1 январь ҳолатига кўра тузилади.

12. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига чораклик консолидациялашган молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда, йил-

* 1 — 5-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лик консолидациялашган молиявий ҳисоботни эса ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелигача тақдим этади.

5-боб. Ахборотнинг ошкор этилиши

13. Консолидациялашган молиявий ҳисобот Молия вазирлигининг расмий веб-сайти ва оммавий ахборот воситалари орқали ошкор этилиши шарт.

14. Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни эълон қилишда қуйидаги маълумотлар очиб берилади:

бюджет даромадлари;

бюджет харажатлари;

давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар;

бюджет сальдоси;

давлат қарзини сўндириш кўрсаткичлари.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2022 йил 4 мартдаги 12/02-22-00437-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида авто ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2022 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2904-3.

2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 25 мартдаги 7-сон «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3355.

3. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2022 йил 10 мартдаги 38-сон «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан ўтказиладиган бино ва иншоотларнинг инструментал техник текширув ишларини баҳолашнинг ягона ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 28 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3356.

4. Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 12 мартдаги 3 ва 5-сон «Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2022 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3357.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 31 мартдаги 7-мҳ-сон «Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 31 марда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3358.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 31 мартдаги 8-мх-сон «Ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқни ўтказиш тўғрисидаги шартномани ва улардан фойдаланиш учун лицензия шартномаларини, интеграл микросхемалар топологияларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш ва мулкӣ ҳуқуқларни ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3359.

7. Ўзбекистон Республикаси тиббий-ижтимоӣ хизматларни ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 31 мартдаги 52-ИЧ-сон «Ўзбекистон Республикаси тиббий-ижтимоӣ хизматларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги тиббий-ижтимоӣ муассасаларда пуллик хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3360.

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 29 март, 9-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (13-сонли БҲС) «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3361.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 18 декабрдаги 9/7 ва 29-сон «Республикада карантиндаги зараркундалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2544, 2013 йил 26 декабрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2544-1, 2020 йил 22 декабрь).

2022 йил 31 мартда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2002 йил 19 августдаги 42-сон «Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш ва топшириш қоидалари ва давлат экспертизасини ўтказиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1168, 2002 йил 27 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1168-1, 2011 йил 30 сентябрь).

2022 йил 1 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг

2005 йил 11 майдаги 48-сон «Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларни бериш ва лицензия шартномаларидан фойдаланиш, интеграл микросхема-лар топологиясига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бериш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга, маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни бутунлай ёки қисман ўзгаларга бериш ва мулкӣ ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1481, 2005 йил 17 июнь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1481-1, 2011 йил 30 сентябрь), (рўйхат рақами 1481-2, 2013 йил 21 октябрь), (рўйхат рақами 1481-3, 2017 йил 17 ноябрь).

2022 йил 1 апрелда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

